

Ўзбекистон Қишлоқ ва Сув хўжалиги  
вазирлиги

Андижон Қишлоқ хўжалиги институти



“Қишлоқ хўжалиги машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш”  
кафедраси

Зоотехния асослари фанидан

# Мустакил иш

Бажарди: Иқтисодиёт ва  
бошқарув факултети фермер  
хўжалагини бошқариш таълим  
йўналиши 2-босқич 1 гурӯҳ  
талабаси Азизов Аҳрор

Қабул қилди:  
О.Жавҳаров

Андижон 2013 йил


*Мавзу: Илдизмева ва туганак озукалар  
кимёвий таркиби ҳамда тўйимлилигини  
ўрганиш*

Режа

1. Илдизмева ва туганак озукалар ҳақида тушунча
2. Таркиби ва тўйимлилиги
3. Уларнинг чорвачиликдаги ахамияти
4. Илдизмеваларни саклаш технологияси
5. Адабиётлар рўйхати

# Илдизмева ва туганак озуқалар ҳақида тушунча

- Илдизмева ва туганак озуқалар ширави озуқалар таркибиға киради. Қишлоқ хұжалиги хайвонлариниг қишки рационы таркибидә бўлиши лозим. Илдизмева ва илдизмевалиларга қуидагилар киради.
- -хар хил навли лавлаги
- -сабзи
- -картошка
- -топинамбур



- *Илдиз ва тугунак мевалилар молларни қиши даврида озиклантиришда катта аҳамиятга эгадир. Улар кўп миқдорда енгил эрийдиган углеводлардан иборат, витаминалар билан бой. Проетин, ёғ ва минерал моддалар ( айниқса фосфор ва кальций) илдиз ва туганак меваларда камчил. Шунинг учун ҳам уларни протеин ва минерал моддалар билан бой бўлган бошқа озуқалар билан қўшиб молга бериш керак. Улар иштаҳа билан ейилади. Ва енгил ҳазм бўлади.. Молларнинг маҳсулдорлиги (согим, гўшт, ва жуннинг кўпайиши) ана шу озуқалар билан боқилганда кўпаяди. Шунинг учун ҳам улар озуқа балансида катта салмоққа эга. Бундай озуқалар айниқса сутлик мол ва чўчқа учун қимматлидир.*
- *Илдиз ва туганак мевалиларда кўп сув бор (70-90%), уларда клечатка ва ёғ кам. Протеин билан ҳам улар бой эмас (1-2%). Куруқ модданинг асосий қисми углеводлар –қанд, крахмал, пектин моддалардан иборат.*
- *Минерал моддалар, жумладан кальций ва фосфор илдиз ва туганак мевалиларда 03(0.03-0.04%). Илдиз мевалилар витаминаларга бой бўлиб, сариқ рангли сортлар, айниқса қизил сабзи каротинга бой. Бу озуқалар яши ҳазм бўлади, кавшовчилар ва чўчқалар уларнинг органик моддаларини 90% гача ҳазм қиласадилар.*



# Лавлаги

- Бу озуқа хайвонларни енгил ҳазмланувчи углеводлар билан таъминлаш манбаи бўлиб ҳисобланади. Рационда протеин-углевод нисбатини ва бошқа озуқаларнинг ҳазмланишини яхшилайдиган парҳезли озукадир, айникса, у соғин сигирлар рационида катта аҳамиятга эга. Лавлаги оғуқадаги протеинни ҳазмланишини, аминокислоталар ва В гурӯҳ витаминаларини синтезланишини кучайтиради, кальций, фосфор ва каротиннинг ҳазм бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.
- Қанд лавлагида- 25% қуруқ модда бор, тўйимлилиги бўйича хашаки лавлаги ва картошкадан устун туради. 1 га ердан қанд лавлаги 400-500 ц ва ундан кўпроқ ҳосил беради.
- Хашаки лавлаги- кўпинча сутлик мол рационига қўшилади, бунда соғим кўпаяди. 1 га ердан 500-700 центнер ҳосил олинади. Унинг барги ҳам қорамол ва чўчқаларга берилади.

- *Хашаки лавлагини 3-4 ойлик бузокларга майдаланган ҳолда кунига бир бошига 0.5-1.0 кг, бир ёшдан катталарига 6-8 кг бериш тавсия этилади. Бўрдоқига қўйилган молларнинг сифатсиз силос ва сенаж билан боқиши натижасида иштаҳаси йўқолади, ошқозонда озуқа ҳазмланиши ва организмда ишқор ва кислотали элементларнинг нисбати бузилади. Шундай ҳолларда илдиз мевалиларни рационга киритилса, 7-10 кун ўтгач, ҳайвоннинг иштаҳаси тикланади.*
- *Илдизмевалиларни едиришидан олдин тупроқдан тозалаб ювилади. Ифлосланиши 23%дан ортиқ бўлмаслиги керак.*
- *Майдаланган илдизмевалилар тез бузилади, суюқлигини йўқотиб, қорая бошлиайди. Шунинг учун уни едиришидан олдин, ёки 1-2 соат олдинроқ тайёрланади. Чириган ва мөгорланган лавлагини ҳайвонларга едириб бўлмайди, сабаби у кассалликка олиб келиши ва заҳарланиши мумкин.*
- *Кўпгина хўжаликларда лавлаги баргидан самарали фойдаланилади. 1 кг қанд лавлаги баргида 0.19 озуқ бирлиги ва 22 г ҳазмланувчи протеин бор. Озуқабоп лавлаги баргида эса 0.09 озуқ бирлиги ва 20 г ҳазм бўлувчи протеин бўлади.*






# Сабзи


Сабзи- наслдор ёш моллар ҳамда сутлик сигирлар учун айниқса қимматли озуқа ҳисобланади. Унда 12-15% қуруқ модда бўлиб, каротинга бой, диетик хусусиятлари билан ажralиб туради. Сутлик мол кунига 20 кг гача, бўрдоқидаги чўчқалар рационидаги умумий тўйимлиликнинг 40-50% гача берилади.





# Картошка

- Картошкада 25% гача қуруқ модда бор, унинг 20% крахмалдан иборат. Картошкада В витаминалар гурӯҳи ва С витамини кўп. Картошка қорамолга, отларга ва қўйларга ҳўл ҳолда, чўчқаларга эса ҳўл ва пиширилган ҳолда берилади. Молларга беришдан олдин ювиб, майдаланилади. Картошка поясини молга эҳтиётилик билан берадилар, чунки соланиндеқ заҳарли , овқат ҳазм қилиш органларини касаллантириувчи модда бор.



## Илдизмевалиларни сақлаш технологияси

- Хўжаликларда хашики лавлагини жамғаришда қўл кучи кўп ишлатилади. Қўл кучи билан катта майдондаги лавлагини ўз вақтида жамғариш қийин бўлганлиги учун механизация воситаларидан фойдаланилади. Лекин бу усулда лавлаги яраланаади, ифлосдан яхши тозаланмайди ва шу туфайли сақлаш яхши бўлмайди.
- Лавлаги ҳосилини йигиб олиш об-ҳавога боғлиқ. Эрта олинганда сўлиб, сақлашга яроқсиз бўлиб қолади, кеч жасарилса совуқ уриб ҳосилнинг исроф бўлишига олиб келиши мумкин. Ёмирли ҳаво механизмларининг ишилашига шароит бермайди. Лавлагининг ҳосилини йигиштиришини энг қулай муддати сентябр-октябр ойлари ҳисобланади. Ҳосилни механизмлар ёрдамида жамғарганда олдин баргларини олиш лозим. Ҳозирги вақтда илгор хўжаликларда лавлаги илдизини йирик траншеяларда мажбурий шамоллатиш усули билан сақлаш кенг қўлланилмоқда. Бунда 30-50% исроф бўлиши камаяди. Мажбурий шамоллатиш иложи бўлмаган шароитда лавлагини ер устидаги ярим чуқурланган траншеяда сақлаш мумкин.
- Лавлагини уюмга босгандага унинг эни 3м , баландлиги 1.5 м ва узунлиги босиладиган ҳосилининг миқдорига боғлиқ бўлиб – 0 +3 °C да 85-90% намликда яхши сақланади, ер теккис ва қуруқ бўлиши лозим.
- Ярим чуқурланган ўра ва траншеяда лавлаги илдизи яхши сақланади, ер теккис ва қуруқ бўлиши лозим. Ярим чуқурланган ўра ва траншеядалавлаги илдизи яхши сақланади ва музламайди. Траншеяning чуқурлиги 120 см ва эни 2м бўлади. Чуқур ва траншеяга тупроқ, ёввойи ўтлар, лавлаги барги, сўлиган, чириган, ёрилган илдизлар солинмайди.
- Штрабали ёмон шароитда сақланса, бузилиб чирийди. Чириган озуқалар барча ҳайвонлар ошқозонини бузади. Сигирнинг сути аччиқ таъмга эга бўлади, баъзи ҳолда ҳайвонни ўлдириши мумкин. Шунинг учун чириган ширали озуқаларни ҳайвонларга едириб бўлмайди.



# *Адабиётлар рўйхати*

- 1. Б.О.Абдолниёзов. “Чорвачилик асослари”  
*Тошкент “NOSHIR“ 2010*
- 2. З.Ҳамроқулов, К.Карибаев “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириши” ТОШКЕНТ -1999
- 3. Т.Ҳ Икромов “Чорвачилик асослари” “ШАРҚ”  
*нашириёти матбaa акциядорлик компанияси бош таҳририяти Тошкент-2001*